



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 116 (11.927)

Баҳоси эркин нарҳда

## УЗОҚ МУДДАТЛИ МАНФААТЛАРГА АСОСЛАНГАН ҲАМКОРЛИК

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Президенти

Ислом Каримовнинг таклифига биноан Россия Президенти Дмитрий Медведев 13 июнь куни амалий ташриф билан Тошкентга келди.

Кўксарой мажмуида 14 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведевнинг учрашуви бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимиздаги ташрифи билан самимий қутлар экан, Россия Президентининг Ўзбекистонга ташрифи юксак даражадаги ўзаро муносабатларнинг яққол далили эканини таъкидлади. Бу икки мамлакат халқларининг узоқ муддатли манфаатларига хизмат қилувчи барча соҳалардаги ҳамкорликни мустақамлаш борасидаги катъий сиёсий интилишларнинг тасдиғидир.

Томонлар бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча йўналишларда изчил ривожланиб бораётганини кайд этди. Сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик ўз самараларини бермоқда.

Россия Ўзбекистоннинг савдо соҳасидаги энг йирик ҳамкорларидандир. Ўзаро савдо ҳажми муттасил ўсмоқда. Ўтган йили бу соҳада қарийб 50 фоиз ўсishга эришилди ва товар айирбошлаш ҳажми 6,4 миллиард АҚШ долларини ташкил этди.

Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Россия ҳукуматлари орасида комиссиянинг жорий йил 31 май куни бўлиб ўтган мажлисида янги тармоқлар ва маҳсулотларни жалб қилиш ҳисобига иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Россияга табиий газ, транспорт ва коммуникация хизматлари, транспорт воситалари, қишлоқ хўжалиги ҳамда тўқимачилик маҳсулотлари ва бошқа

маҳсулотларни экспорт қилади. Россиядан Ўзбекистонга рангли ва қора металл, механик ва электр асбоблари, ёғоч ва ёғочни қайта ишлаш саноати маҳсулотлари импорт қилинади.

Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ҳамкорлик фаоллашиб, Ўзбекистондан Россияга мева ва сабзавот етказиб бериш ҳажми ўсмоқда.

Сармоявий ҳамкорлик динамикаси ва диверсификацияси кўшма корхоналар сони кўпайиб бораётганида яққол намоён бўлмоқда. Мамлакатимизда 843 Ўзбекистон — Россия кўшма корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, Россиянинг 135 фирма ва компанияси мамлакатимизда ўз ваколатхонасини очган. Россия Федерациясида Ўзбекистонлик шериклар иштирокида тузилган 385 кўшма корхона ишлаб турибди.

Сармоявий ҳамкорлик кўлами ҳам кенгайиб бормоқда. Бу борада гап кетганда, ёқилғи-энергетика мажмуи, геологоразведка, конларни қидириш ва ўзлаштириш соҳасида инфратузилмаларни ривожлантириш мақсадида «Газпром», «Лукойл», «Союзнефтегаз», «Стройтрансгаз», «Волга-Бурмаш» каби компаниялар билан ҳамкорликда амалга оширилаётган кенг миқёсли ишларни алоҳида кайд этиш жоиздир.

Таълим, маданият, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик ва бошқа соҳаларни қамраб олган гуманитар ҳамкорлик ҳам кенгайиб бормоқда.

Фан ва таълим соҳасидаги алоқалар устувор аҳамият касб этди. Г.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети, М.Ломоносов номидаги Москва давлат университети ва И.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг Тошкент фили-

аллари фаолияти мазкур йўналишдаги ҳамкорлик самаралари-га ёрқин мисолдир.

Олий даражадаги Ўзбекистон — Россия учрашувида икки томонлама ҳамкорликка оид муҳим масалалар билан бир қаторда халқаро сийosatга доир долзарб муаммолар ҳам кўриб чиқилди. Жумладан, Марказий Осиёда сув-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалалари муҳокама қилинди. Минтақанинг трансчегаравий дарёларида гидротехник иншоотлар қуриш учун қўшни мамлакатларнинг розилигини олиш ҳамда бундай лойиҳаларни мустақил халқаро экспертизадан ўтказиш зарурлиги таъкидланди.

Томонлар минтақадаги вазиятни ҳам муҳокама қилдилар. Барқарорлик ва хавфсизликни мустақамлашда ўзаро ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этиши кайд этилди. Афғонистонда тинчлик ўрнатилиши давлатлараро ва минтақаларо ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Ислом Каримов ва Дмитрий Медведев икки томонлама муносабатларга доир муҳим масалаларни атрофлича муҳокама қилдилар. Олий даражадаги мазкур учрашуви ўзаро муносабатлар ва томонларни қизиқтирган бошқа кўлаб долзарб масалалар юзасидан ёндашувларни солиштириб олиш учун яхши имконият бўлди. Эришилган келишувлар яқин истиқболда Ўзбекистон ва Россия халқлари фаровонлигига хизмат қиладиган ҳамкорликни янада ривожлантиришга йўналтирилган аниқ ҳужжатлар, ўзаро манфаатли лойиҳалар учун асос бўлиши шубҳасиздир.

(ЎЗА)

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ОСТОНА ШАҲРИГА КЕЛДИ

ОСТОНА. 14 июнь. ЎЗА махсус мухбири  
Анвар БОБОЕВ хабар қилади.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 14 июнь куни Шанхай ҳамкорлик ташкилотига (ШХТ) аъзо давлатлар Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрига келди.**

Ушбу учрашув Ўзбекистон, Қозоғистон, Хитой, Қирғизистон, Россия ва Тожикистон давлатлари томонидан 2001 йил 15 июнда асос солинган ШХТнинг юбилей саммитидир.

Ўтган ўн йил янги халқаро тузилманинг шаклланиш жараёнида муҳим босқич бўлди. Ушбу тарихан қисқа даврда ШХТ ҳозирги замон геосийosatини белгилувчи муҳим омиллардан бирига айланди. Шу билан бирга, давлатимиз раҳбари ўтган саммитлардан бирида таъкидлаганидек, «ШХТ умумий чегаралар, яқин тарихий-маданий, анъанавий сиёсий, иқтисодий ва гуманитар алоқаларга эга давлатларнинг тенг ҳуқуқли бирлашмаси бўлиб, унинг фаолияти бошқа мамлакатларнинг манфаатларига қарши қаратилмаган ва қарама-қаршилик қиладиган блок хусусиятига эга эмас».

Ўтган 10 йил мобайнида ШХТда замонавий хавф-хатар ва таҳдидларга қарши курашиш соҳасидаги кўшма лойиҳаларни амалга оширишни, ШХТга аъзо давлатлар ва умуман, бутун минтақани барқарор иқтисодий ривожлантиришни таъминлаш, социал-маданий соҳада ҳамкорликни кенгайтириш учун муҳим шартномавий-ҳуқуқий асос яратилди.

Ўзбекистон ШХТдаги иштирокига улкан масъулият билан ёндашади. Мамлакатимизнинг 2004 ва 2010 йилларда мазкур ташкилотга раислик қилгани, Ўзбекистон ташаббуси билан ушбу ташкилот фаолиятида муҳим аҳамият касб этувчи ҳужжатлар, жумладан, ШХТга янги аъзоларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш, ШХТ процедуралари қондаларини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорлар ишлаб чиқилгани ва қабул қилингани бунинг тасдиғидир. Шунингдек, Ўзбекистон раислиги даврида БМТ ва ШХТ котибиятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги Қўшма декларация имзоланди.

Саммитнинг биринчи куни дастури доирасида ШХТга аъзо давлатлар, қузатувчи давлатлар раҳбарлари ва бошқа иштирокчилар учун «Қозоғистон» марказий концерт залида юбилей концерти намойиш этилди.

Шу куни ШХТнинг 10 йиллигига бағишланган бошқа тадбирлар ҳам бўлиб ўтди. ШХТ саммити 15 июнь куни ўз ишини давом эттиради.

Тақдим этилган ҳужжатда сув ресурсларини тартибга солиш ва тежашни рағбатлантириш Ўзбекистоннинг ижтимоий йўналтирилган давлат сийosatининг муҳим йўналишларидан бири эканлиги алоҳида таъкидланди. Жумладан, мамлакатнинг табиатни муҳофаза қилиш борасидаги халқаро меъёрларга тўлиқ жавоб берадиган даражада шакллантирилган миллий қонунчилиги мунтазам равишда такомиллаштириб бормоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва барқарор ривожланиш соҳасидаги асосий халқаро ҳужжатларга, трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланиш бўйича БМТ Конвенциясига қўшилди.

Яқуний ҳужжатда асосий эътибор минтақанинг барча давлатлари томонидан халқаро сув ҳуқуқи меъёрлари ва тамойилларининг қабул қилиниши ҳамда уларга сўзсиз риоя этилиши, Ўрта Осиёда барқарор ривожланиш тамойилларини илгари суриш ва экологик мувозанатни сақлаш, трансчегаравий сув ресурслари ва сув хўжалиги инфратузилмасини биргалликда тартибга солиш ҳамда фойдаланиш самардорлигини ошириш мақсадида минтақа давлатларининг ҳамкорлигини мустақамлаш зарурлигига қаратилган.

«Жаҳон» АА,  
Нью-Йорк

**БМТнинг Нью-Йоркдаги қароргоҳида жорий йилнинг 12-13 май кунлари Умумжаҳон сув кенгаши кўмагида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган, 2012 йилнинг март ойида Франциянинг Марсель шаҳрида ўтказиладиган VI Умумжаҳон сув форумига тайёрларлик доирасидаги «VI Умумжаҳон сув форуми сари – сув хавфсизлиги йўналишида ҳамкорликдаги сый-ҳаракатлар» мавзусидаги халқаро конференция яқунлари тўғрисидаги ахборотни ўзидан муҳасам этган «Сув ресурслари – барқарор ривожланиш ва келажак тараққиёти асосидир» номли яқуний ҳужжат тарқатилди.**

У БМТ ҳузурдаги 192 давлат миссияси ҳамда БМТнинг асосий тузилмавий бўлимлари ва ташкилотлари ўртасида 6 та расмий тилда тақдим этилди.

Тадбирда дунёнинг 32 мамлакатидан 350 дан зиёд экспертлар, олимлар ва экология соҳаси мутахассислари катнашди. Улар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслар, хусусан, сув ресурсларини сақлаш кейинги пайтларда долзарб аҳамият касб этаётганини таъкидлашди. Шу ўринда бугунги кунда сайёраимизда бир миллиарддан ортиқ киши тоза ичимлик сувидан фойдаланиш имкониятидан маҳрум экани кайд этилди.

Мазкур ҳужжатда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг конференция иштирокчиларига йўллаган қутлов мурожаатида келтирилган минтақадаги трансчегаравий дарёларнинг сув ресурсларидан тўғри фойдаланиш муаммоларига Ўзбекистоннинг асосли ёндашувлари, давлатимиз раҳбарининг минтақадаги ҳар бир давлат томонидан умум

қабул қилинган халқаро сув ҳуқуқи меъёрлари ва қондалари асосида трансчегаравий дарёлар сувларидан фойдаланишда тенгликни таъминлаш, ҳар бир

ференцияда минтақадаги ҳар бир давлат ҳудудидagi трансчегаравий дарёларнинг сув ресурсларидан фойдаланишда сув оқими бўйидаги бошқа давлатларга

## ТОШКЕНТ ФОРУМИНИНГ ЯҚУНИЙ ХУЛОСАСИ БМТ ДИҚҚАТ- ЭЪТИБОРИДА

давлат учун ўзаро манфаатдорлик ва адолат билан фойдаланишга кафолат берадиган самарали минтақавий ҳамкорлик механизминини яратиб борасидаги таклифларига алоҳида эътибор қаратилган.

Шунингдек, унда Тошкент халқаро анжумани вакиллари Ўрта Осиёда Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ экологик муаммони муҳокама қилишгани ҳақида маълумот берилди. Хусусан, халқаро кон-

зарар етказилишига йўл қўймаслик ҳақида гап борди. Тадбирда сўзга чиққан хорижлик экспертлар Амударё ва Сирдарёнинг юқори оқимида жойлашган мамлакатларнинг трансчегаравий сув ресурсларидан нооқилона фойдаланишга интилишлари амалдаги халқаро меъёрларнинг бузилишига сабаб бўлиб, барчани жиддий ҳавотирга солаётганини таъкидлашди.

## ҚИСКА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар  
ҳокимлигининг Ахборот  
хизмати ва ўз мухбирларимиз  
хабарларидан.

✓ **КЕЧА** «Ўзтрансгаз» акционерлик жамиятида Маънавият тарғибот марказининг Яққасарой туман бўлими ташаббуси билан Президентимизнинг «Юксак маънавият — энгилмас куч» асари мазмун-моҳиятини оммага тарғиб этиш мақсадида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

✓ **БУГУН** Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида Агроеко мажмуаси ходимлари касабга уюшмаси Тошкент шаҳар Кенгаши «Агроеко» МСС клуби билан ҳамкорликда тизимдаги корхона ва ташкилотлар касабга уюшмаси фаоллари ўртасида спорт мусобақалари уюштирилди.

✓ **БУГУН** Ўзбекистон Бадиий академияси Халқаро маданият карвон саройида археология соҳасидаги ёш олимларни рағбатлантирувчи Иқоу Хирояма мукофоти билан тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

## МАМЛАКАТИМИЗДА

• Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Аграр ва сув хўжалиги масалалари кўмитасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2010 йил ва 2011 йилнинг биринчи чорагидаги ижросига бағишланган кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда қуйи палата депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар ходимлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этдилар.

• Сирдарё вилоят ҳокимлигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаларини самарали ривожлантириш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

• Ўрта Чирчиқ тумани саноат ва сервис касб-хунар коллежида ўрта махсус, касб-эҳна тарғиб муассасалари ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган «Барҳаёт анъаналар» фестивалининг Тошкент вилоят босқичи бўлиб ўтди.

• Жорий йилнинг тўрт ойи давомида Навоий вилоятида 460 та кичик корхона ташкил этилган бўлиб, улардан 110 таси қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият кўрсатмоқда.

• Форишлик тадбиркор Лобар Каримова сый-ҳаракати билан паррандачиликка ихтисослаштирилган «Асадбек-Ҳамкор бизнес» хусусий корхонаси ташкил этилди. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун тадбиркорга банкнинг 22 миллион сўмлик кредити қўл келди. Ҳозир хусусий корхонада 5 мингта товуқ саноат усулида парвариш қилинмоқда.

• Тайлоқ туманилик тадбиркор Исрофил Пўлатов полиэтилен маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган лойиҳани амалга оширди. Салкам 796 миллион сўмлик маблағ эвазига барпо этилган «Мир Умар» корхонаси фойдаланишга топширилиши билан 20 та иш ўрни яратилди.

• Бухоро вилояти ҳокимлиги, «Ўзбектуризм» миллий компанияси ва бир қатор нодавлат ташкилотлар ҳамкорлигида анъанавий «Ипак ва зираворлар» фестивали ташкил этилди. Унда нафақат мамлакатимиз, қўшни давлатлардан ҳам халқ амалий санъати усталари қатнашгани, ушбу фестивалга қизиқиш катта эканлигини кўрсатди.

## ЖАҲОНДА

• Халқаро валюта жамғармаси раҳбари лавозимига номзодларнинг номи эълон қилинди. Франция молия вазири Кристин Лагард ва Мексика Марказий банки раҳбари Аустин Карсенс ушбу лавозимга давтоғарлик қилишмоқда. Жамғарма янги раҳбарининг номи июнь ойининг охирига қадар маълум бўлади.

• Туркиядаги парламент сайловлари натижаларига кўра бошқарувчи партия — Адолат ва тараққиёт партияси галаба қозонди. Ушбу партия 50,1 фоиз овоз тўплашга муваффақ бўлди ва парламентдаги 550 ўриндан 326 тасини қўлга киритди. Ушбу галаба Адолат ва тараққиёт партиясига битта партияли ҳукуматни шакллантириш, унинг бошқарувчиси Режеп Тайип Эрдоганга эса учинчи бор бош вазир лавозимини эгаллашга имкон яратди.

• Бурятияда ўрмон ёнгинлари авжига чиқмоқда. Жумладан, тайгадаги 2,5 минг гектар ҳудуддаги ўрмон ёнгинларини жиловлашга 800 нафар ўт ўчирувчи ва 100 дан ортиқ техника воситалари жалб этилган. Ушбу табиий офат муносабати билан ўлканинг тўртта районида фавқулодда ҳолат режими жорий этилди.

• Менделеев жадвали иккита янги элемент билан бойиди. «Ununquadium» ва «Ununhexium» деб номланган мазкур янги элементлар АҚШнинг Ливермор миллий лабораторияси ҳамда Россиянинг Бирлашган ядро тадқиқотлари институтининг ходимларининг уч йиллик изланишлари натижасида яратилди. Олимларнинг таъкидлашича, ушбу кимёвий элементларга ҳозирча тахминий ном берилиб, расман қандай аталиши кейинроқ маълум қилинади.

• Бразилиядан Аргентина ва Уругвайга учадиган ҳаво кемалари парвози вақтинча тўхтатилди. Бунга Чилидаги Пуйеуэй вулқонининг уйғониши сабаб бўлган. Ҳозир ҳам вулқондан қайноқ лавалар отилиши давом этмоқда. Мамлакатнинг жануби-шарқида жойлашган вулқондан қайнаётган қора тутунлар 13 километр баланликкача кўтарилган.



**TOSHKENT SHAHAR BO'LIMI AMOLOT**

**Халқимиз вақтни оқар дарёга, ёшликни ниҳолга қиёслагани бежиз эмас. Бугун ёшларнинг замон билан ҳамнафас ҳолда улгайиб, Ватани ва миллати шаънини кўтармоқликлари учун барча шарт-шароитлар яратиш берилган. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек: «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз ҳам».**

Келажак пойдеворининг бугундан яратилиши, ўсиб келаётган авлоднинг билим ва малакаларини ошириб бориш эртанги кунга бўлган ишончли мустақамлайди. Бугунги кунда нафақат ота-она ёки устозлар, балки мутасадди ташкилотлар томонидан ҳам бу каби масъулиятли вазифаларни биргаликда амалга ошириш йўлида қўллаб-қувватлаш ишлар бажарилмоқда.

«Камолот» ЁИХ Олмасор тумани бўлими Кенгаши ҳам кўп йиллар давомида ёшлар билан ишлаш ва уларни қўллаб-қувватлаш борасида кенг қўллаб-қувватлаш борасида кенг қўллаб-қувватлаш ишларини, ибратли тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Биргина жорий йил бошидан шу кунга қадар жойларда 30дан ортиқ тадбирларнинг амалга оширилгани бунинг яққол далилидир. Спорт мусобақаларини ўтказиш дейсизми, вояга етмаганлар билан ишлаш, одам савдосига қарши курашиш, маънавий-маърифий юмушлар ҳамда давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мазмун-моҳиятини тушунтириш бўйича олиб борилаётган ишлар шулар жумласидандир.

Дарҳақиқат, инсон ўзлигини англагани, насл-насабини чуқурроқ билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат туйғуси илдири отиб, ривожланиб боради. Бу илдири қанчалик теран бўлса, тугилиб ўсган юртга муҳаббат ҳам шу қадар юксак бўлади. Ҳаракатнинг мақсади ҳам ёшларга тўғри йўл кўрсатиш, уларнинг интеллектуал салоҳияти ва ҳуқуқий маданиятини янада ошириш, иқтидор эгаларини доимо рағбатлантириб, қўллаб-қувватлаш иборат.

Юртимиз фарзандларига бўлган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилгани боис, бугуннинг долзарб вазифалари қаторида ўсиб келаётган авлодни тўғри тарбиялаш, бўш вақтларини унумли ўтказиш борасидаги ишларни амалга ошириш масалалари муҳим ўрин эгаллайди. Шу боис Кенгаш томонидан ёш ташаббускорларни қўллаб-қувватлаш, улар сонини кўпайтириш мақсадида «Ёшлар ижтимоий хизматлари» маркази ташкил этилди. Марказда пазандчилик ва қандолатчилик, ракс тўғрақлари доимо иштирокчилар ихтиёрида бўлиб, дарслар мута-

зарлик ва жиноятлар», «Гийҳандликка қаршимиз», «Гийҳандлик — аср вабоси», «Тинчлик — энг олий неъмат» мавзуларида ўқув даргоҳларида мутахассислар жалб этилган ҳолда давра суҳбатлари, учрашувлар уюштирилиб, иштирокчиларга кўргазмалар, кинофильмлар намойиш қилинади.

Халқимизнинг маънавиятини юксалтириш, келажак авлодни миллий ва

умуминсоний қадриятлар руҳида камол топтиришда бадий адабиётнинг ўрни, таъсири ва аҳамияти беқиёс. Шуларни инобатга олган ҳолда адабиётимиз раванқига ўз хиссасини қўшишни истаган ёш ёзувчи ва шоирларнинг ижодий салоҳиятини тўла рўёбга чиқаришга қўмаклашиш ва уларни кенг тарғиб қилиш мақсадида «Ёшлик илҳомлари» номи ижодий учрашувлар ташкил этиб борилмоқда. Бу йилги тадбир Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишланди.

Ёш мавсумида болажонларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, уларни соғлом турмуш талабларига риоя этиш, ватанпарварлик руҳида тарбиялашни йўлга қўйиш учун «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш борасида туманда жойлашган 22, 298, 233, 219, 243-мактаблар қошида оромгоҳлар ташкил этиш ишлари амалга оширилди. Спортнинг оммавий турларини кенг тарғиб қилиш, компьютер саводхонли-

ги, сиёсий-ҳуқуқий ва диний-маърифий, тиббий билимларни ошириш туманда истиқомат қилувчи кам таъминланган оила фарзандларини бепул ўқув курсларига жалб этиш ҳамда маънавий ҳордиғини чиқариш мақсадида Кенгаш томонидан «Ёшни «Камолот» билан!» лойиҳаси ўтказилди.

Бунда Темирийлар тарихи Давлат музейи, «Олимпия шон шухрати», Ўзбекистон тарихи Давлат музейларига ташриф, маҳалла болаларига хорижий тилларни ўргатиш, ҳайвонот боғига сайр уюштирилади. Айни глобаллашув даврида ёшларнинг турли диний оқимларга кириб кетмаслиги, дин ҳақида тўғри фикрга эга бўлишларини таъминлаш мақсадида жойларда «Дин ва ёшлар» лойиҳаси ташкил этиляпти. Бунда Имом ал-Бухорий номидаги Ислам институти талабалари билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатилган.

Дарҳақиқат «Камолот» ЁИХ томонидан жойларда қўллаб-қувватлаш ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг замирида мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларни янада кенгайтириш, белгиланган вазифаларни бажариш, ёшларга қўмаклашиш масалалари мавжуд ҳаракатнинг туман бўлими томонидан амалга оширилаётган ишлари эса «денгиздан бир томчи»га қиёсласак хато бўлмайди. Ана шу томчидан унган ниҳолларнинг юрт ривожига йўлга қўйилган сай-ҳаракатлари натижаси ўлароқ дийримиз обод, маҳалларимиз осуда, фарзандларимиз баркамолдир. Албатта, жaxon — кенг, дунёда миллат кўп, лекин бу оламда бетакрор юртимиз, Ўзбекистонимиз яккаю ягона. Бу гўзал юрт, бу муқаддас замин фақат бизга аталган. Мана шу улуг туйғунинг ҳар биримизнинг дилимизга жо бўлиши, ҳаётимиз мазмунига айланиши келажакимизнинг порлоқ эканлигидан далолатдир.

**Садоқат АСЛАНОВА**

**Бошланғич ташкилотлар фаолиятдан**

**«КАМОЛОТ» — СЕНИНГ ҲАРАКАТИНГ**

хассислар томонидан ўқувчиларга пухта ўргатилади. Ўтган йилда ушбу тўғрақларда жами 1000дан ортиқ ўғил-қизлар таҳсил олиб, ўзлари истаган касб-хунар асосларини эгалладилар. Бундан ташқари инновацион технологиялар ва илм-фанни янада ривожлантириш, иқтидорли ёшларни илмий фаолиятга жалб этиш, ўз ижодий салоҳиятини рўёбга чиқаришлари учун туманда ахборот маслаҳатхонаси ташкил этилган бўлиб, унда асосан, «Ёш тадбиркор — элга мададкор» широгига амал қилинади. Яъни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланиш ва касаначиликни ривожлантиришни истаган, тадбиркорликни бошламоқчи бўлганларга маслаҳатлар берилиб, соҳа эгалари томонидан йўл-йўриқлар кўрсатиб келинмоқда.

«Камолот» ЁИХ туман Кенгаши томонидан жорий йилда мўлжалланган ишлар кенг қўллаб-қувватлаш, уларнинг асосида юрт раванқига ҳисса қўшиш асосий мақсад қилиб қўйилган. «Қонунбу-

уминсоний қадриятлар руҳида камол топтиришда бадий адабиётнинг ўрни, таъсири ва аҳамияти беқиёс. Шуларни инобатга олган ҳолда адабиётимиз раванқига ўз хиссасини қўшишни истаган ёш ёзувчи ва шоирларнинг ижодий салоҳиятини тўла рўёбга чиқаришга қўмаклашиш ва уларни кенг тарғиб қилиш мақсадида «Ёшлик илҳомлари» номи ижодий учрашувлар ташкил этиб борилмоқда. Бу йилги тадбир Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишланди.

Ёш мавсумида болажонларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, уларни соғлом турмуш талабларига риоя этиш, ватанпарварлик руҳида тарбиялашни йўлга қўйиш учун «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш борасида туманда жойлашган 22, 298, 233, 219, 243-мактаблар қошида оромгоҳлар ташкил этиш ишлари амалга оширилди. Спортнинг оммавий турларини кенг тарғиб қилиш, компьютер саводхонли-

**Бугунги кунда истеъдодли ёшларни излаб топиш, уларни қўллаб-қувватлаш, баркамол авлодни вояга етказиш чора-тадбирларини амалга оширишни таъминлаш йўлида Республика ўқувчилар ижодиёт марказида ташкил этилган «Меандра» номли арт-дизайн студия кўпгина ёшларнинг сеvimли масканига айланиб улгурди.**



Мамлакатимизда истиқлолнинг илк кунлариданоқ маънавий қадриятларимизни тиклаш ва янада юксалтириш, миллий таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, унда замонавийлик руҳини акс эттиришга катта аҳамият бериб келинмоқда. Ушбу масқанда ҳам шу эҳтиёжларни қондиришга қаратилган қўллаб-қувватлаш имкониятлар яратилган.

**БАРЧА ИМКОНияТЛАР ЯРАТИЛГАН**

юксак бўлган фарзандларга миллийлик билан уйғунлаштирилган касб-хунарнинг сир-асрорларини ўргатиш бизнинг вазифамиздир. Шундай экан, ушбу даргоҳни ташкил этишимиздан мақсад ҳам болаларнинг бор маҳоратларини очиб ва янада такомиллаштиришдан иборат. Тўғрақда рассомчилик ва унинг турлари, ҳайкалтарошлик, шарқона керамика санъати, ландшафт ва интерьер дизайнёрлик йўналишлари бўйича ўз ишнинг усталари таълим бериб келмоқдалар. Демакки, бу ерга таъшир буюрган қизикувчилар ўзлари истаган касб-хунарларини ташлаш имкони-

зи бўлмиш ушбу замин қанчадан-қанча маданиятлар, қадриятлар кесишган жой ҳамдир. Шундай экан, мақсадимиз, айнан маданиятлардаги уйғунлиқни акс эттириш, ёшлар нигоҳида бой тарихимизни намойиш этиш ва уларни мукамал касб-хунар эгалари қилиб, келажакда Ўзбекистон раванқи учун хизмат қиладиган содиқ шахслар бўлиб етишишлари учун бор кучимизни сарфлашдан иборат.

Дарҳақиқат, ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат нафақат ер ости ва табиий бойликларини ишлаб чиқариш салоҳияти билан, балки биринчи навбатда ўзининг юксак маданияти ва энгилмас маънавияти билан ҳам кучли бўлиши даркор. Буларни келгуси авлодга етказиш бизнинг энг муҳим инсоний бурчимиздир.

**Садоқат ИСАЕВА**

**Учрашувлар КАТТА ТААССУРОТ ҚОЛДИРДИ**

**Бугунги кунда ёшларнинг ҳар томонлама саводхон ва жисмонан соғлом бўлиб вояга етиши йўлида самарали сай-ҳаракатлар олиб борилмоқда.**

Хусусан, Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишлаб ёшлар даврасини кенг қамраган ҳолда ўтказилаётган маънавий- маърифий тадбирлар, қизқарли учрашув ва давра суҳбатлари фикримиз далилидир. Ёшларни ватанпарвар, иродали, билимли ва юртга садоқатли бўлиб вояга етишига ҳисса қўшиш мақсадини кўзлаб «Камолот» ЁИХ Бектемир туман бўлими ташаббуси билан Республика телевидение ва радио касб-хунар коллежида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Азамат Зиё билан дилдан ўтказилган қизқарли мулоқот уларнинг навбатдагиси бўлди.

Маълумки, депутатлар ўзлари сайланган округларда сайловчилар билан учрашувлар ўтказиб аҳолини янги қабул қилинган қонунлар мазмун-моҳияти билан таништириб, ҳар бир соҳада амалга оширилаётган ислохотлар замирида элу юрт ободлиги, халқимизнинг тўқ ва фаровон ҳаёт кечириши, парламент фаолияти, келгуси вазифалар ҳақида маълумот ва тushунчалар бериб борадилар.

Ана шундай руҳда ўтган ёшларнинг Азамат Зиё билан учрашуви ҳам қатнашчиларга гоятда маъқул бўлди ва ўқувчилар ўзларини қизиктирган барча саволларга тўлиқ жавобларни олишди, сиёсий ва ҳуқуқий билимларини оширишди.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

**Қарор ва ижро**

**ҲАР БИР ИНСОН — МЕҲР ВА ЭЪТИБОРДА**

**Давлатимиз раҳбарининг шу йил 30 майда қабул қилинган «2011-2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижтимоий ҳимоя борасида яна бир муҳим қадам бўлди.**

Мазкур ҳужжатда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг турмуш даражаси ва ҳаёт сифатини ошириш, тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида мамлакатимизда ногиронларнинг кучли ва манзилли ижтимоий ҳимоясига бағишланган матбуот анжуманида шулар ҳақида гап борди.

Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг ўринбосари Ш. Саидов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида аниқ мақсадга йўналтирилган ижтимоий ҳимоя тизими шакллантирилгани юксак самаралар бераётганини таъкидлади. Аҳоли бандлигини таъминлаш, ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронлар, кам таъминланганларни манзилли ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида мамлакатимизда ногиронларнинг кучли ва манзилли ижтимоий ҳимоясига бағишланган матбуот анжуманида шулар ҳақида гап борди.

Мамлакатимизда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронлар, жумладан, ўзгалар ёрдамига мўнотер кишилар ижтимоий хизмат кўрсатишининг барча турлари билан бепул таъминланмоқда. Ихтисослаштирилган ситхаттоҳлар, шифо масканлари уларнинг хизматидир.

Шу билан бирга, улар протез-ортопедия маҳсулотлари, ногиронлик аравачалари, эшитиш мосламалари каби буюмлар билан ҳам ўз вақтида таъминланмоқда. Ногиронларга давлат томонидан белгиланган имтиёз ва кафолатларга қўшимча тарзда ижтимоий ёрдам кўрсатиш, бу борада идора ва ташкилотлар, кенг жамоатчиликнинг кучини, молия маблағларини аниқ йўналишга қаратиш йўлга қўйилгани ўз самараларини бераётир.

Қонунчиликка асосан ногиронларнинг алоҳида тоифаларига имтиёз ва кафолатлар ҳам белгиланган ва улар бундан ўз вақтида баҳраманд бўлаётир. Уларга амбулатор шароитда даволанганда бепул озик-овқат билан таъминланиш, шаҳар жамоат транспортидан бепул фойдаланиш, электр энергияси ва коммунал хизмат, солиқ тўловларида ҳам имтиёзлар кафолатланган.

Матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиктирган саволларга мутахассислардан батафсил жавоб олдилар.

**Н.АБДУРАИМОВА, ЎЗА муҳбири**

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура ҳузурдаги Солиқ, валюта оид жиноятларга ва жинорий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тўғрисидаги Қароридан белгиланган вазифаларни ижро этиш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш ва уларга амалий ёрдам бериш мақсадида бошқарма ва туман бўлимида мавжуд ишонч телефонлари ҳақида маълумот берилмоқда

№	Бошқарма ва туман бўлими	Ишонч телефонлари
1	Бошқарма навбатчилик қисми	241-92-05
2	Бектемир туман бўлими	295-18-90
3	Мирзо Улутбек туман бўлими	237-44-81
4	Миробод туман бўлими	215-67-07
5	Олмасор туман бўлими	228-01-00
6	Сергели туман бўлими	258-75-71
7	Учтепа туман бўлими	271-45-18
8	Чилонзор туман бўлими	271-12-56
9	Шайхонтоҳур туман бўлими	249-61-14
10	Ювусобод туман бўлими	747-13-31
11	Яккасарой туман бўлими	250-13-66
12	Ҳамза туман бўлими	289-59-88

**ҲУҚАРОЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!**

Ҳуқаро (ташкilot)ларнинг Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси ҳамда Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати ходимлари билан биргаликда ишлаш жараёнида, бошқарма ва хизмат ходимлари томонидан ноқонуний хатти-ҳаракатларга йўл қўйилишининг олдини олиш ҳамда бу каби ҳолатлар юзага келганда тезкор чора-тадбирлар кўриш, юридик ва жисмоний шахсларнинг қонун билан ҳимояланган ҳуқуқ ва манфаатлари поймол бўлмастлигини таъминлаш, шунингдек, бошқарма ва хизмат фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан маълумотлар қабул қилиш мақсадида, юридик ва жисмоний шахслар билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатувчи «Ишонч телефони» тизими жорий этилди.

**Ишонч телефони рақами: 239-35-21.**

**Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси раҳбарияти**

**Танловлар**

**ЭНГ ФАОЛ КИТОБХОН**

Даврлар оша оламни бадий идрок этиш услублари янгилашди, ёндашувлар ўзгариши мумкин, лекин адабиётнинг асл мавзуси ҳеч қачон ўзгармайди. Адабиёт ҳаётнинг, инсон табиатини, турмушини, орзу-умидларининг ўзига эгаси фидоси, одамларни ўз ортидан эргаштирувчи катта ижтимоий куч сифатида уларни маънавий баркамоллик, эзгу мақсадлар сари даъват этаверади.

Куни кеча Вазирил Маҳамаси ҳузурдаги Тошкент ислом университети Ахборот-ресурс марказида «Энг фаол китобхон» тадбири ўтказилди. Тадбирда ислом университети профессор-ўқитувчилари, ходимлари ҳамда талабалар иштирок этдилар. Тадбирни очиб бериш учун сўз ислом университети ректори, профессор, фаол китобхон Равшан Абдуллаевага берилди. Равшан Абдуллаева тадбир иштирокчиларини қўллаб, китоб ва китобхонлик ҳақида ўз

фикр-мулоҳазаларини билдирди. Бундай тадбирдан мақсад ҳам бугунги фан-техника ривожланган бир пайтда ёшларни китобга бўлган меҳр-муҳаббатларини янада ошириш, уларни теран фикрли, чуқур мулоҳазали бўлишларида, дунёқарашларини кенгайтиришда китобнинг ўрни беқиёслигини тушунириш. Китобга меҳр қўйиб олинган бўлган инсондан ҳеч қачон ёмонлик чиқмаган. У доимо гўзалликка интилиб яшashi ва ҳар томонлама жамиятга, инсонларга фойда келтирадиган гўзал касб эгаси бўлишларини тадбирга таъшир буюрган меҳмонлар ҳам алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Тадбирда «Энг фаол китобхон» ташкили ўтказилди. Танловда 1-ўринни «Халқаро иқтисодий муносабатлар» йўналиши 1-босқич талабаси Баҳодир Ҳўжаев, 2-ўринни

«Диншунослик» йўналиши 1-босқич талабаси Бехзодбек Мухторов, 3-ўринни «Халқаро иқтисодий муносабатлар» йўналиши 1-босқич талабаси Бобур Исмоилийлар эгаллашди. Соғирондорларга Ахборот-ресурс маркази энг фаол китобхони мақтов ёрлиғи, эсдалик совғалари ва албатта бадий адабиётлар берилди. Тадбирда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Пулат Носиров шоирлардан Муҳиддин Омон, Даврон Ражаб, «Нихол» давлат мукофоти совриндори Ёлғора иштирок этдилар. Улар тадбир қатнашчиларига янги шеърлари ва куй-қўшиқларини тақдим этдилар. Бундай тадбирлардан мақсад ёшларимизни уларга яратилаётган барча шароитлардан унумли фойдаланишларини таъминлаб беришдан иборатдир. Буюк саркарда Амр Темирунинг «Китоб барча бунёдкорлик, яратувчилик ва ақл-идрокнинг, илму донишнинг асосидир, ҳаётни ўргатувчи мунаббийдир» дейиши ҳам бежиз эмас, албатта.

**Мухаммадсодиқ САЙФУЛЛАЕВ, Тошкент ислом университети иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлими ходими**

Ёшлар — келажакимиз

БИТИРУВЧИЛАРГА ДИПЛОМ ТОПШИРИЛДИ

Айни кунларда юртимиздаги барча олий ўқув юрларида битирувчи магистрант ва бакалаврларга диплом топшириш маросими ўтказилмоқда. Жумладан, Тошкент Автомобиль ва йўллар институтида ташкил этилган битирувчиларга диплом топшириш маросими катта тантананага айланди.

Тадбирни институт ректори Мадамин Арипжонов кириш сўзи билан очиб, битирувчи ёшларни муборакбод этар экан, келгусида Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшади деган фикрларини билдириди. Шунингдек, тадбирда «Узавтоўл» ДАК «Автомобиль йўлларини эксплуатация қилиш» бошқармаси бошлиғи В.Агзамов, Ўзбекистон Республикаси Дарё ва транспорт агентлиги бошлиғи ўринбосари Ш.Шо-ваҳобовлар битирувчиларни табриқлаб, мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан транспорт ва автомобиль йўлларини қуриш ва таъмирлаш соҳасида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари ҳақида тўхталишди. Келажакда бугунги битирувчиларни ҳам ана шундай салмоқли ишлар кутиб турганини ва иқтисодий тараққиётнинг қайси соҳаларида ишлашмасин устозларидан олган билимларини янада оширишлари, мамлакатимизни бундан-да ривожлантиришида бор

куч ва маҳоратларини ишга солишга чақириб қолишди. Институтнинг фахрий профессорлари О.Ғаниходжаев ҳамда А.Қодировалар ҳам битирувчиларни табриқлаб, уларнинг келгуси ўқиш ва ишларида зафарлар тилашди. Тадбирда битирувчи ёшлар ҳамда уларнинг ота-оналари ҳам сўзга чиқиб, чуқур билим ва ҳаётга йўлланма берган барча устозларга миннатдорчиликларини изҳор этдилар.

Шундан сўнг битирувчиларга тантанали равишда дипломлар топшириш маросими бошланди. Дастлаб, магистратура битирувчилари, сўнг Автотранспорт, Автомобилсозлик, Йўл қурилиши, Касб-билий таълим ҳамда Иқтисод ва бошқарув факультети битирувчиларига институтнинг нуфузли меҳмонлари ва фахрий устозлар томонидан дипломлар топширилди. — Бугун ҳурсандчилигимнинг чеки йўқ, жуда ҳам бахтиёрман, — деди ҳаяжон билан магистратура битирувчиси, Беруний стипендиёси совриндори, «Келажак



Таътил мароқли ўтмоқда



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ ҲИКМАТЛАР ГУЛДАСТАСИ

ИНСОН ФАЗИЛАТЛАРИ ҲАҚИДА

Имонли одам эгри кўчадан ҳам тўғри юради.

Ҳар бир одамнинг хислатлари — бетакрор.

Яхши фазилат одамни одам билан яқинлатади.

Ҳар бир одамнинг бошқалар билмаган сифатлари бор.

Одамнинг билими ошган сари, яхши фазилати кўпая боради.

Инсоннинг руҳий ҳолати унинг мавқеини кўрсатади.

Дунёни оқиллар билан меҳнатсеварлар обод қилган.

Ҳаётда — биров оқим билан кетса, биров қарши сузиб ҳам билади.

Эзгу хислатлари элга синган одам — вафотидан сўнг ҳам яшайверади.

Фахрланиш бошқа, кибрланиш бошқа.

Ёмонлик кулса, яхшилик йиғлайди.

Яхши бўлиш — аста-аста, ёмон бўлиш — бир пасда.

Яхши иззат қилишга ундайди, ёмон изза қилишга.

Бўйнидаги бурчини билмаган — бебурддир.

Имонсиз одам отаётган ўқига нўноқни камон қилади.

Зўрликнинг ҳосили — хўрликдир.

Ишнинг кўзини билиш — қобилият нишонаси.

Қобилият одамни элга танитади.

Билим ва меҳнат — қобилиятнинг тарбиячилари.

Қобилиятни ўз йўли ва сўқмоқлари бор.

Одам ўз қобилиятини қай даражада эканини ичида билади.

Кўзда акс этган нарсани дилда акс этиши қобилиятга боғлиқ.

Одамларнинг қобилиятлари шахмат доналаридек хилма-хил.

Мулоқот учун ҳам қобилият керак.

Одамнинг қобилияти — ютуқлар замини.

Ғолибнинг юзи қизилу, тили узун.

Имтиҳон — қобилият ғалвири. (Давоми бор)

Бу ердаги салқин ва озода хоналар, устига-устак нон исидек азиз китоблар ҳиди димоққа хуш ёқади. Шуниси ҳам аниқки, масофа-ю манзилларни ортда қолдириб келганлар бу маскандан фақат бир нарсани сўроқлайди. Яъни китобни.

Бугунги кутубхоначи нафақат китобларни сақлаш жараёнида иштирокчи, балки китобхонларни китоблар оламига олиб киришда ўз ҳиссасини кўшувчи маърифатпарвар бўлиши ҳам лозим. Хозирда йигирмадан ортқ бўлим ўз

қидирув йўли орқали калит сўз, сарлавҳа, йиллар ёки нашриёт номлари билан зарур манбаларни топиш мумкин. Жорий йилнинг январь ойидан бошлаб, Республика ахборот-кутубхона маркази ҳамда Миллий кутубхона катало-

Мазкур ҳужжат халқаро китоб алмашишуви, илмий ютуқларни амалиётга жорий этиш, ўзаро тажриба алмашиш қолаверса, икки қардош халқ ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлашга хизмат этади.

Истиқлол уфқлари КУТУБХОНА — САОДАТ МАНЗИЛИ САРИ ЙЎЛ

йўналишида ўқувчиларга хизмат этиб келмоқда. Албатта, китобларни сақлаш бизнесинг фаолиятимизда муҳим ишлардан биридир. Бизгача «етиб келган кўлёмалар, ажадларимизнинг маданий мероси замонавий технологиялардан кенг фойдаланган ҳолда сақланмоқда. Масалан, электрон каталоглар, электрон ресурсларни яратиб ишлари жадвал олиб борилмоқда. Айни шу йўналишда 1998 йилдан бошлаб, кутубхонамизда «Ирбис» (Автоматлаштирилган кутубхона каталогини тузиш) дастури асосида электрон каталоглар яратилди. Унда 120 мингдан зиёд ҳужжатларнинг библиографик тавсифи берилган бўлиб, унинг ёрдамида фонддаги адабиётларнинг электрон маълумотлар базаси яратилди. Қисқа вақт ичида йигирма хил

гизаторлари билан бирга, 1970 йилдан 2000 йилларгача бўлган даврдаги китобларнинг ретро конверсияси яратилди. Буларнинг барчаси кутубхонамиз фаолиятини фойдаланувчилар учун кенг қўламли имкониятларни яратиб беради деб ўйлайман. Халқаро ҳамкорлик ишлари ҳам кутубхона фаолиятида муҳим аҳамиятга эга. Шу кунга қадар Малайзия, Польша, Эрон, Миср, Россия, Қозғоғистон, Украина миллий кутубхоналари билан ўзаро битимлар имзоланган. Хусусан, шу йил 5 майдаги Туркменистон Президентини Гурбангули Бердимухамедовнинг ташрифи давомида Миллий кутубхонамиз ҳамда Туркменистон Миллий кутубхонаси ўртасида ўзаро англашув меморандуми ҳам имзоланди.

Наргиза АСАДОВА, «Туркистон-пресс»

Болаларни соғломлаштириш, бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси бир қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Айниқса ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларини қўллаб-қувватлаш мақсадида болаларнинг таътил кунларини мароқли ўтказишлари учун жамғарма қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда соғломлаштириш оромгоҳларини ташкил этмоқда.

Ёз — ўтади соз «СОҒЛОМ АВЛОД» БОЛАЛАР ОРОМГОҲИДА

Нафақат ёз ойларида, балки болажонларнинг киши таътил вақтларида ҳам соғломлаштириш оромгоҳлари фаолиятини йўлга қўйиб яхши аънаънага айланган. Жорий йилнинг 2-12 январь кунлари «Соғлом авлод учун» жамғармаси Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳомийлигида Тошкент вилояти «Бўстон» дам олиш масканида ушбу вилоятдан 145 нафар 9 ёшдан 12 ёшгача бўлган кам таъминланган оилалар фарзандлари учун киши оромгоҳ ташкил этган. Болажонларимизнинг кўнгил-

ли дам олишлари учун оромгоҳда турли маънавий-маърифий, маданий ва спорт тадбирлари, давра суҳбатлари ҳамда интеллектуал ўйинлар ўтказилди. Ёзги таътил давомида эса бу ишларнинг қўламини янада кенгайтириш режалаштирилган. Ушбу хайрли ишларнинг дебосчаси сифатида жамғарманинг тиббий — ижтимоий маркази қошида Юнусобод тумани ҳокимлиги билан ҳамкорликда Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи 200 нафарга яқин кам таъминланган оилалар фарзандлари учун

12 кунлик «Соғлом авлод» болалар оромгоҳи ташкил этилди. Яқинда оромгоҳнинг очилиш маросими бўлиб ўтди. «Соғлом авлод» оромгоҳи тўрт сменада ўқувчиларни қабул қилиб, ҳар бир сменада 50 нафарга яқин болажонлар хордиқ чиқарадилар. Уларнинг мазмунли дам олиши учун барча шарт-шароитлар яратилган. Ушбу соғломлаштириш масканида болалар учун турли тўғарақлар, маданий-маърифий тадбирлар, интеллектуал ўйинлар, спорт мусобақалари ўтказилди. Уғил-қизларнинг ёзги оромгоҳларда мириқиб дам олиши уларнинг келгусида аъло ўқишлари ва соғлом, бакуват бўлиб вояга етишларида муҳим аҳамият касб этади. Зеро, фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур. Гулором ҲАМИДОВА

Спорт янгилликлари СИНОВ ЎЙИНЛАРИ ДАВОМ ЭТАДИ

Буюк Британия пойтахти Лондон шаҳрида 2012 йилда уюштирилган XXX ёзги Олимпиада ўйинларида иштирок этишни режалаштирган Ўзбекистон олимпия терма жамоаси футболчилари кунга кеча пойтахтимизга қайтиб келишди.

Гап шундаки, Олимпиада ўйинларининг саралаш турнирига ҳозирлик кўраётган олимпия терма жамоамиз Австрияда ташкил этилган халқаро турнирда омадини синиб кўрди. Дастлаб Албанияга 0:1 ҳисобида енгилган олимпиячиларимиз, исроиллик чарм тўп усталарини 2:0 ҳисобида мағлуб этишди. Айрим сабабларга кўра Голландия олимпия терма жамоаси ушбу турнирнинг гуруҳ босқичида қатнашмади.

МЕДАЛЛАР ШОДАСИ

Хитойнинг Сучжоу шаҳрида Осие энгил атлетика федерациясининг Гран-при туркумига кирувчи халқаро турнирида иштирок этган мамлакатимиз энгил атлетикачилари шахримизга медаллар шодаси билан қайтишди.

Жумладан, Қушанда ўтказилган мусобақада терма жамоамиз аъзолари бешта медалга эгалик қилишди. 100 метрга югуришда Гузал Хуббиевага, баландликка сакраш бўйича Светлана Радзевилга тенг келадиган рақиб топилмади. Олтин медалларни қўлга киритган спортчиларимиз шарафига Ўзбекистон мадҳияси янграб, байроғимиз баланд хилпиради. 800 метрга югуришда қатнашган Анна Сидоровага кумуш медал таъин этилди. Шунингдек, Сучжоу шаҳрида энгил атлетика бўйича ташкил этилган Гран-при

мусобақасининг югуриш баҳсларида 100 метрни 11,31 сония ичида ортда қолдирган Гузал Хуббиевага яна олтин медал таъин этилди. Баландликка сакраш баҳсларида Надежда Дўсиновага олтин, Светлана Радзевилга бронза, уч хатлаб сакрашда Александра Котляровага кумуш, 800 метрга югуришда Ирина Морозга бронза медаллари таъин этилган юртимизда энгил атлетика жадаллик билан ривожланаётганини яққол исботлайди. Акбар ЙЎЛДОШЕВ

УЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ Республика ҳудуди бўйича ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёқади. Мамақалдиқроқ бўлиши мумкин. Фарбдан секундида 7-12 метр тезликда эсаётган шомол кучайиб, секундида 15-20 метрга етади. Ҳарорат кечаси — 11-16, кундузи — 22-27 даража иссиқ бўлади. Узгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 16 июнда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг сақланиб қолишига имконият яратди, тағмиқдорли наст бўлади.

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32 МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИЛИГИ

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563 ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3883 тиража босилади. Қозғоқ бешми А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамитига» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Нашр учун масъул Д. Исроилов «Шарқ» нашриёт-матбوع акциядорлик компанияси бошқармаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.